Әдебиятлар

1. Адамбаев Б. Шешендік өнер. – Алматы: «Ғылым», 1999.
2. Ахметов С., Бахадырова С. Фольклорлық терминлердиң қысқаша сөзилиги. -Нөкис: «Билим», 1993, 40-41-б.
3. Ахметов С., Есенов Ж., Жәримбетов Қ. Әдебияттаныў атамаларының орысша-қарақалпақша түсиндирме сөзлиги. -Нөкис: «Билим», 1994, 152-б.
4. Қыдыршаев А.С. Шешендіктану: теориясы және практикасы. Орал 2012.
5. Мамбетов К. Ерте дәўирдеги қарақалпақ әдебияты. -Нөкис: «Билим», 1992, 192-б.
6. Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дөретпелери. -Нөкис: «Билим», 1996, 140-б.
7. Храмов В. Б. Импровизация как форма творческой деятельности. «Культурная жизнь Юга России», № 4 (42), 2011, -С. 10.
8. Хализев В.Е. Теория литературы. –Москва: «Высшая школа», 2004.
9. Фролова Е.В. Приёмы ораторской импровизации. Записки Горного института. Т.160. Часть 1. -С.154.
10. Резанцева М. С. Импровизация как специфический элемент творческой деятельности. // Вестник Московского государственного университета культуры и искусств. 2019. № 1 (87). -С. 106–111.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қорақалпоқ адабиёти тарихида чечанлик сўз ҳунари ва бадиҳагўйлик анъанаси ўрганилади. Унда бадиҳагўйлик адабий ҳодисасининг пайда бўлиши манбалари, шаклланиш босқишлари, ривожланиш тарихи қисқача маълум қилинган. Мақолада Жийренше чечан ва Муйтен жировнинг чечанлик бадиҳагўйлиги анъанаси масалалари кўриб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучается ипровизация находчивости в ораторском искусстве в истории каракалпакской истории. Здесь кратко излагаются источники возникновения импровизационного литературного явления, этапы формирования, история развития. В статье идёт речь о вопросах искусства остословия в наследии таких крупных представителей ораторскго искусства, как Жийренше шешен и Муйтен жырау.

SUMMARY

The article examines the improvisation of resourcefulness in oratory art in the history of Karakalpak literary. Here, the sources of the emergence of an improvisational literary phenomenom, the stages of formation, the history of development are briefly described. The article deals with wit issues of the art of wit in the heritage of such major representatives of oratory as Jiyrenshe sheshen and Muyten jirau.

“ГЎРЎҒЛИ” ТУРКУМ ДОСТОНЛАРИДА АВАЗ ОБРАЗИ

Ж.Н.Мирзаев – *мустақил тадқиқотчи*

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот ресурс маркази

Таянч сўзлар: эпос, миф, мифологема, туркумлик, версия, вариант, образ, бадиий талқин.
Ключевые слова: эпос, миф, мифологема, категория, версия, вариант, образ, художественная интерпретация
Key words: epos, myth, mythology, categorization, version, variant, image, literary interpretation

Бадиий образ ҳамиша эпоснинг марказида туради. Асар сюжетидаги воқелик ана шу образ ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлигига кўра содир бўлади. Халқ достонларидаги ҳеч бир образ воқеликка “жимгина” кириб келмайди. Балки, ўзининг “юки”, “вазифаси” билан кириб келади. Эпик асарлардаги Алпомиш, Барчин, Қалдирғоч, Гўрўғли, Аваз, Нурали, Ҳасанхон, Равшан каби образлар ана шундай образлар сирасига киради.

Алпомиш ва Гўрўғли ҳақида шу пайтга қадар кўп ёзилган. Бироқ, айрим образлар борки, улар ҳақида шу пайтгача айрим қайдларни инобатга олмаганда, деярли изланишлар олиб борилмаганлигини кузатиш мумкин.

“Гўрўғли” туркум достонларининг деярли барча версия ва вариантларида Аваз Гўрўғлининг асраб олган ўғли. Унга хос бўлган хусусиятлардан бири баҳодирлиги билан бир қаторда ниҳоятда чиройли эканлигидир.

Ўзбек эпосида Авазнинг ташқи гўзаллик сифатига алоҳида урғу берилган. Унинг Гуржистондан олиб келинишининг ўзига бир нечта достон бағишланган ва бу достонларда асосий урғу унинг ташқи қиёфасига қаратилган. Бу достонларда бахшилар Аваз портеритини чизишда асосан урғуни унинг ташқи қиёфасига қаратишади, унинг “талъати” ҳали алплик даражасига чиқмаган Авазнинг асосий фазилати бўлиб гавдаланади.

... *Офтобдай жамоли бордир Авазнинг...*
...Бошидан то қадам ипор сасилган,
...Ажаб бир жамоли бордир Авазнинг [1:6].

Авазнинг олиб келинишида ўзбек бахшичилик мактабларининг ўз достонлари мавжуд. Ҳар бир бахши Авазнинг Гуржистондан олиб келинишидаги асосий ядрони сақлаган ҳолда унинг ташқи қиёфаси ҳақида чизгиларни сақлаб қолган. Хусусан, Самарқанд бахшичилик мактаби билан жануб бахшилчилик мактабларида Авазнинг олиб келинишида унинг “базмлар гули” экани бўртиб туради. Бу айниқа, Хоразм маткаби, хусусан, “Аваз гетирган” достонида яққол сезилади. Бу шу билан боғлиқки, Хоразм бахшилчик мактабида Авазнинг жангивар қаҳрамонлигидан кўра романтик саргузаштларига урғу берилгани билан боғлиқ. Самарқанд мактабида ҳам Авазнинг романик саргузаштлари биринчи ўринга чиқади. Жануб мактабида эса Аваз кўпроқ алп сифатида талқин этилади. Хусусан, Раҳматулла Юсуфнинг “Авазхон” достонига кўра, Авазхон ҳақидаги дастлабки хабарни, олдинги бобда келтирганимиз каби, аввал, чилтонлар маконида “тақдир” қилиб қўйилада, кейин эса, Чамбил барпо этилгач, Гўрўғли султон бўлгач, Аваз ҳақида Чамбилга “қария бахши” Гўрғлига “Аваз”ни эслатади.

“Авазнинг олиб келиниши” боби сюжети ҳар икки халқ эпоси учун деярли бир хил кўринса-да, аммо ифода қилиш услуби, бадиий унсурлардан фойдаланиш, бадиий ёндашув бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу фарқ, аввало, ҳар икки халқ айтимчиларининг воқеликка мифологизмни қай даражада сингдиргани билан боғлиқ. Ўзбек эпосида чўпон, от билан боғлиқ саҳналар эпосдаги мифлогик қатламни янда кучайтиради.

Худди шундай тожик эпосида ҳам биз Авазнинг олиб келиниши билан боғлиқ воқеаларни, тафсилотни анча қисқарган, тезлашган вариантда кўрамиз. Ўзбек эпосида Авазнинг олиб келиниши бир неча достонни ташкил қилган ҳолда тожик эпосида эса Авазнинг келтирилиши 150-160 сатрдан иборат битта достонни ташкил қилади.

Тожик достонида унинг олиб келиниши, тарбияланиши, таълим берилиши билан боғлиқ тафсилотлар йўқ. Зотан тожик эпик анъанаси бу хил тафсилотларга ўрин бермайди. Бошқача айтганда, эпик қолип тафсилотларга халақит беради. Ўзбек эпик анъанаси эса хоҳлаган бахшига хоҳлаган вазиятда хоҳлаган образ билан боғлиқ саҳналарни кенг ижодий ривожлантириш имконини беради.

Ўзбек достонларида Аваз образининг олиб келиниши, энг аввал, Хизр томонидан тақдир қилиб белгиланади. Отга, салтанатга, суюкли ёрга эга бўлган Гўрўғли энди Авазни олиб келишга киришади. Достоннинг тожик версиясида ҳам Авазнинг олиб келинишига, “тақдир” қилинишига сал бошқача ёндашилади, бошқача бадиий метофара – тожик эпик анъанасига хос услуб қўлланади. Авазни Гўрўғли тушида кўради. Агар тушнинг эпосда, фольклорда тутган ўрнини назарда тутсак, тожик бахшиларининг бу

хил ёндашувлари ҳам эпос поэтикасини бойитишга хизмат қилганига гувоҳ бўламиз.

Ўзбек эпосида Гўрўғлининг Қунғирбой қиёфасига кириб, Авазни олиб келишида ҳам мифологик тасаввурлар устун эканини олдинги мақолаларимизда айтиб ўтгандик.

Тожик версиясида биз бу хил қатламни кўрмаймиз. Қолаверса, Аваз олиб келингандан сўнг Юнус пари уни "ёқасидан киргизиб, этагидан чиқариб", ўғил қилиб олади, Хоразм достонларида бу маросим алоҳида эпизод қилиб тафсилот билан берилган. Умуман, Аваз образи ўзбек бахшилари томонидан кенг ва батафсил ишланган, унинг ҳаётининг ҳар бир даври мактабларда достон қилинган.

Тожик эпосида ҳам Аваз асранди ўғил. Унинг онаси Гулойимни Хунхор подшоҳнинг Карим қассоби ўғирлаб кетади. Карим ва Гулойимдан фавқулодда гўзал бола Аваз туғилади. Унинг чиройи ҳаммани эътиборини тортади. Тожик эпосидаги Аваз ҳам Гуржистонлик, онасининг исми Гулойим, отасининг исми Карим қассоб. Гўрўғли уни ўзига асранди ўғил қилиб олиб келган. Ҳар икки эпосда ҳам Авазнинг ташқи кўриниши, чиройи, унинг шоҳ саройининг "косагули" экани ҳақидаги таърифлар бир хил.

Гўрўғли султон Авазни тушида кўради ва уни тоғаси Қунғирбой қиёфасига кириб ўғирлаб келади. Уни Ширмо асранди ўғил қилиб олади. Тожик эпосида Аваз келгандан сўнг Гўрўғли рамзий маънода "ўлади". Бундан фойдаланган Аваз қочиб кетади. Авазнинг қочганини билган Гўрўғли "қайта тирилади". Аваз Хунхоршоҳнинг олдига бориб Чамбил ҳақида гапириб беради. Хунхоршоҳ уни зиндонга ташлайди. "Ўлиб-тирилган" Гўрўғли уни "қаландар" қиёфасида Хунхоршоҳ зиндонидан қутқариб, Чамбилга олиб келади ва қирқ йигитга сардор қилиб қўяди.

Аваз овард ба Чамбули мастон,
Бар чил йигит кардаш калон [3:61].

Тожик бахшилари Авазнинг олиб келинишида ўзбек эпосидаги каби "қурбонлик маросими"ни эслатадиган мифолегама ўрнига "туш", "қайта тирилиш", "зиндон", "туш" мотивларидан фойдаланишади. Зеро айни мотивлар ҳам ўзбек, ҳам тожик халқлари бадиий эпик тафаккурида муҳим ўрин тутади-ки, Аваз образи талқини учун бу мотивларни эслатиб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз.

"Туш" қадимда ўзга дунё билан алоқа қилиш воситаси деб тушинлган. Бу ҳақда фольклоршунос олим Ж.Эшонқулов шундай дейди: "Дада Қўрқут китоби"да Яганакнинг Қўрқут отани туш кўришида айнан шу аждодлар культи – ҳомий руҳ билан боғлиқлик жиҳати аниқ баён этилади..." [11:61-71].

Мабода "туш кўриш" худди чилтонлар каби аждодлар культи, қадимги тасаввурлар билан боғлиқ экан, унда тожик версияидаги Гўрўғлининг ҳам Авазни тушида кўриб, фарзанд қилиб олиш иштиёқига тушиши билан Хизрнинг Гўрўғлига Авазни фарзанд қилишни тайинлаши айнан бир маънога эга бўлган эпик мотивдир.

"Тақдири азалнинг амалга ошуви бевосита инсон хатти-ҳаракати ва интилишларига боғлиқлиги ҳақида ушбу қарашлар халқимизнинг туш ҳодисаси билан боғлиқ сакрал тасаввурларининг мукаммал тизимга эга эканлигини яна бир бор исбот этади" [11:61-71].

Кўриб турганимиздай, туш ҳам ўзида "тақдири азаллик" мотивини беради. Тушида бу "тақдири азал"ни қабул қилган Гўрўғли Авазни олиб келиш учун йўлга чиқади. Худди ўзбек эпосидаги каби у Қунғирбой қиёфасига кириб, Авазни олиб келади. Авазни олиб келгандан сўнг бир мунча вақт ўтиб, "вафот этади". Фольклоршунос олимлар, хусусан, Ш. Турдимов, Ж. Эшонқуловлар ўз тадқиоқтларида "ўлим" ва "қайта тирилиш" мотиви ҳам қадимги тасаввурлар, қадимги мифологик қарашларнинг изи ўлароқ талқин қилишади. "Ўлиб тирилувчи маъбудлар ҳақидаги қадим тасаввурларга кўра, кекса қиш ер юзини тарк этгандан сўнг, у янги – баҳор қиёфасида дунёга келади. Ўлим йўқ экан, туғилиш ҳам бўлмайди; қиш ўлмаса, баҳор туғилмайди. Аслида ўлим ва туғилиш бир ҳолатнинг икки кўриниши холос..." [11:61-71].

Агар биз Гўрғлининг "ўлими" ва "қайта тирилиши"ни ҳам шу мотивдан келиб чиқиб талқин қилсак, унда Гўрўғлининг туш кўришидан тортиб, тирилишигача қадимги тасаввурларнинг илдизларини ва ишорасини кўрамиз. Худди ўзбеклар каби тожик халқида ҳам ҳурматли олимларимиз қайд этган мотив билан боғлиқ бўлган "кампир ўлди" маросими ҳозиргача сақланиб қолган. Зотан, ўзбек ва тожик халқларининг мифологик тасаввурлари деярли бир-бирига яқин. Ўзбек, умуман, туркий халқлар билан ёнма ён яшаган, урф-одати, маросими бир хил бўлган бўлган тожик халиқига ҳам бу кўчирмада кўзда тутилган тасаввурлар бегона эмас. Зотан ҳар икки халқнинг мифологик дунёси азалдан, айникса, зардуштийлик мисолида бир нуктада бирлашади. Маъжусийлик ҳам, кейинчалик пайдо бўлган зардуштийлик ҳар икки хақлнинг ҳам қадим дини эди. Ўзбек эпосларидаги жуда кўп мотивлар, мифологемалар ана шу дин ва қадим тасаввурлар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинганини назарда тутсак, туш, ўлим, қайта тирилиш билан Хизр ва қирқ чилтонлар ҳақидаги қарашлар илдизи бир эканига гувоҳ бўламиз. "...Мастлик, беҳушликдан мақсад "ўлик"лик ҳолатига ўтиш – нариги дунёга сафар қилиш, илоҳий куч-қудратга эга бўлиб, қайта туғилишдир", дейди фольклоршунос олим Ж.Эшонқул [11:61-71].

Шундай экан, Гўрўғлининг "қайта тирилиши" ва Авазнинг "зиндондан озод қилиниши" метофараси алп руҳининг мақомга эришишини билдиради. Гўрўғлининг "ўлими" – бу эскининг ўлимини, "тирилиш" янги мавсумнинг бошланишига, зиндон озод бўлиши алпнинг – Авазнинг алплик мақомига етишини ўзида рамзлаштиради. Бу фикримизни яна бир нарса исботлайдики, тожик эпосида ана шу ўлиб-тирилиш ва зиндондан озод бўлишдан сўнг Гўрўғли эпосда иккинчи даражали қаҳрамонга, гўёки алп Авазнинг "соя"сига айланади. Шу ўлиб тирилишдан ва зиндондан озод бўлишдан сўнг Аваз эпоснинг бош қаҳрамонига айланади.

Тожик эпосида алп ана шу тариқа, туш, ўлим, қайта тирилиш, тутқундан озод қилиниш орқали Аваз образига мифологик кўлам бағишлашади.

Гўрўғлининг ўзини ўлганга солиши, Авазнинг қочиб кетиши, Хунхорга Чамбил ҳақида гапириб бериши, унинг Хунхор зиндонида ётиши, "қаландар" қиёфасига кириб Гўрўғли уни иккинчи марта зиндондан, тутқунликдан қутқариб олиб келишини – бу тожик бахшиларининг эпоснинг ядро сюжетини сақлаган ҳолда эпик анъанадан келиб чиқиб, бадиий-ижодий ўзлаштиришлари деб баҳолаш мумкин.

Шуларга кўра хулоса қилишимиз мумкинки, тожик эпосида Авазни асраб олиш, яъни алпни эпик тарбиялаш миллий эпик анъанадан келиб чиққан ҳолда эпик истилоҳлар, эпик метофаралар, мотивлар қобиғида тасвирлаб берилади. Шуни таъкидлаш керакки, "туш", "қайта тирилиш", "зиндон" тожик версиясида ёзма адабиёт, хусусан, И.Брагинский таъкидлагандек, "Шоҳнома", "Барзунома" таъсирида пайдо бўлганини, бу мотивлар тожик версиясида мотивликдан кўра метофарага айланганини таъкидлша керак. Халқ оғзаки ижоди мотвлиранинг "Шоҳнома"да қайта ишланиши "Гўрўғли" эпоси шаклланишида худди шеърий рифма каби тожик бахшиларига жуда қўл келган.

Тожик эпосида ҳам ўзбек эпоси каби Авазнинг энг яқин кишилари, у суянган образлар Гўрўғли ва Ширмо. Ширмо ўзбек версиясида Мисқол парига тўғри келади, Оға Юнус эса Юнус парига. Бироқ шу жойда ҳам тожик бахшилари ўзбек версиясидаги "тутунган она-болалик"ни ўзгартиришади – Авазнинг тутинган онаси тожик версиясида Ширмо эканлиги таъкидланади. Авазга доимо кўмак берадиган образлар Гўрўғлининг асранди ўғиллари Шодмон (ўзбек версиясида Шодмон қирқ йигитлардан бири – мерган), Ҳасан, Авазнинг хотини Гулойим, Авазнинг ўғиллари Шерали, Нурали ва қизи Гулинор. Булар Аваз атрофида бирлашган ижобий қаҳрамонлар. Улар Авазнинг алплигини тан олган, ҳамиша уни қўллайдиган, кўмак берадиган образлар. Эпик қаҳрамонга юклатилган фазилатлар Авазнинг яқинларига бўлган муносабатларида ҳам яққол кўринади.

Калони шаҳар Гўрўғли султан,
Паҳлавони Чамбул Аваз марди майдон,
Ду писар дошт туғён,
Номи як писараш Нурали мард жувон,
Писари майдакиш Шералихон...
Духтари калониш ном дошт Гуланор... [3:130]
...Хуроки отаи ин букд рудат гов,
Хоҳиш нодарад,, - гуфт,- ин кор савоб,
Ҳайрати мебонанд, султон.
Калони инҳо Соқи, ҳасти дуюм Шодмон,
Сеюм Ҳасанаст, чоримиш Авазхон..." [3:162]

Бу мисолда Соқи ҳам Гўрўғлининг тутунган ўғли сифатида талқин қилинаяпти. Аслида у Чамбилни қуришда Гўрўғлига ёрдам берган ҳам машшоқ, ҳам уста. Мисолдан кўриниб тургандек, тожик эпосида Аваз Гўрўғлига учинчи, яъни кенжа ўғил. Шунинг учун ҳам Аваз образига тожик бахшилари эртаклардаги Кенжа ботир хусусиятлари ва мифологемаларини, саргузаштларни ҳам сингдириб юборишган. У билан содир бўлган кўплаб қаҳрамонликларда Рустамнинг жанглари билан бирга эртаклардаги Кенжа Ботир саргузаштлари, ботирлиги, топқирлиги, жасоратини эслатиб туради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нафақат Аваз образида, умуман тожик версиясида эртак унсурлари устунлик қилади. Шунинг учун ҳам Аваз образига Кенжа ботирнинг кўплаб қолиплари сингдирилган. Унинг кўплаб саргузаштлари, халқ ичидаги эртаклар таъсирида пайдо бўлган. Буни И. Брагинский ҳам алоҳида таъкидлаган [2:162-164].

Авазнинг характери, идеал қаҳрамон сифатидаги фазилатлари унинг яқин кишилари, тутунган отаси, онаси, оиласига муносабатда ҳам бўртиб кўринади. Аваз идеал қаҳрамон сифатида ҳеч қачон Гўрўғлига қарши чиқмайди, унинг гапини икки қилмайди, ҳатто Аҳмад қутқуси билан Чамбулдан қувғин қилганда ҳам отасига бирон марта тик қарамайди. Шунингдек, сафар олдидан ҳамиша тутунган онасининг ва отасининг дуосини олади. Ўз оиласи шаъни учун курашади, фарзандалари учун ҳар тнарсага тайёр. Хотинига кўз олайтиргани унга нобоп гаплар айтгани учун Аҳмаднинг укаси Юсуфни жазолайди. Уни ўлдиришдан фақат "тоға"лиги, Аҳмаднинг укаси эканлиги асраб қолади. Бу фазилатларнинг ҳаммаси халқнинг эпик алпда кўришни истаган фазилатлари эди.

Тожик эпосида, гарчи, Ширмо бир неча марта Авазни "эмизгани", "оналик сути" бергани ҳақида эсланса-да, аммо айнан шу жараён тафсилотидан дарак берувчи алоҳида достон, алоҳида саҳналар йўқ. Бу билан Аваз образининг бадиий юки камаймайди. Тожик эпосида ёзма адабиёт қонуниятларидан фойдаланган ҳолда бу маросимлар фақат "эслатма" шаклида бериб ўтилади. Аммо ҳар икки ҳолатда ҳам Аваз образидаги бадиий юк камаймайди. Ўзбек версияси каби тожик версиясида ҳам Аваз Ширмонинг "тутунган ўғли" бўлиб намоён бўлади.

Ана шу ҳолатнинг ўзиёқ, тожик "Гўрўғли" эпоси туркий эпосларга қараганда анча кейин, яъни туркий халқлар эпоси таъсирида пайдо бўлган деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбек, умуман, туркий халқлар эпосида Авазга нисбатан "Бол Аваз", "Аваз бачча" эпитетлари кўп ишлатилади.

"От устида бол Аваз", "От чопмоққа бол Аваз...", "Бол Авазга ўзи бўлсин энди ёр.."...

Бу эпитет олдинги бобда Аваз образининг тарихий генезиси билан боғлиқ эпитетлар эканини таъкидлаган эдик. Айнан шу эпитетлар тожик версиясига ҳам кўчиб ўтади. Албатта, тожикчада "бол Аваз" эпиетети деярли эсланмайди. Аммо, унинг "бачча"лиги, яъни "баччаи Гуруғли", "жувон"лиги ҳақида Аваз билан боғлиқ барча достонларда дуч келамиз.

"Наметарсидай ин жувон.." [2:72]
"Найзаи тоқа дора жувон..." [3:92]
Мисли духтар мебинумат жувон" [3:121]

Бу эпитетлар, табиийки, тожик эпосини ўзбек ва туркий халқлар эпоси, унинг тархий асоси, генезиси билан боғлаб туради. Ўзбек эпосида ҳам, тожикча эпосда ҳам Авазга нисбатан "тилла кокилли", "зар кокилли", "кокилдор" эпитети ҳам кўп учрайди.

Тодикча версияда:
"Омад як кокулдор" [3:65].
"Дид дора кокули тилло.." [3:75]
"Сувори зебо,,-меген,- Аваз сипо,
Абру дорад кокули тилло" [3:281]
Ўзбекча версияда:
Ҳар тола кокили боблаб кесилган,
Толасига минг бир хуштор осилган... [1:6]
От жиловин тўхтатиб тур, кокилдор... [2:13]

Профессор А.Мусақулов кокил ҳақида шундай дейди: "Инсон сочи қадим тассавурларда осмон ғояси билан боғлиқ бўлганлиги учун жаҳондаги кўпгина халқларда туғилиш, никоҳ, ўлим маросимлари билан бир қаторда, илк бор гўдак сочини олишни ҳам инсон ҳаётидаги магик-ритуал аҳамиятга эга ҳодиса деб биладилар"

Тарихчи К. Шониёзов қадимги қипчоқ жангчилари узун соч қўйганликларини, олган тақдир-ларида тепаси ёки орқасида кокил қолдирганликларини айтади. Шунингдек, унинг аниқлашича, ўзбекларда қизлар анъанага кўра сочини майдалаб, келинчаклар ва жувонлар эса жуфт қилиб ўрганлар [10:168-169].

Этнограф Г.П.Снесарев кокил назр қилинган жойга кўмилганни айтади. Ўтмишда бу одат рамзий бажарилмай, унга қаътий амал қилишган, бу ўзига хос маросим тусини олган [8:92-96].

Асқар Мусақулов "Ўзбек халқ лирикаси" номли китобида "кокил" соч магияси, демак, ўсимлик култи билан билан боғлаб шарҳлайди.

Соч магиясининг илдизлари ҳосилдорлик культи билан боғлиқ экани ҳақида фанда кўплаб тадқиқотлар қилинган.

Қадимда маъбудлар кокилли бўлган деган қарашлар ҳам мавжуд. Устоз фольклоршунос Тўра Мирзаев илгари кокил фақат қизларда эмас, ўғил болаларда ҳам бўлганлигини қайд этади, Гўрўғли туркуми достонларидаги Аваз-нинг ҳайдар кокили қаҳрамонлик белгиси, дейди [6:5-32].

Кўриб чиққанимиздай, ўзбек ва тожик эпосида "кокил" ҳам қадим тасаввурларни ташувчи эпитет бўлиб, Авазнинг ўзига хос тимсолига айланади. Академик Тўра Мирзаев таъкидлагандек, "кокил" бу Авазнинг, умуман, эпик алпнинг қаҳрамонлик "белгиси"ки, эпик анъанага у қадим маъбудлар ҳақидаги тасаввурдан эпик анъанадаги алпларга кўчиб ўтган.

Аваз образи билан боғлиқ бошқа кўплаб хусусиятлар ҳар икки эпосда ҳам деярли бир-бирига

яқин талқин этилади. Фақат ўзбек бахшилари бу хусусиятларга кенгроқ тўхталишади, батафсилликка берилишади, Аваз билан боғлиқ саҳналарда баъзан фантастик-мўъжизавий тасвирлар билан бирга оддий маиший чизгилар ва тафсилотларга ҳам ўрин берилади. Тожик эпосида Аваз образи билан боғлиқ саҳналарда деярли бундай майший ифодаларга кенг ўрин берилмаган.

Авазнинг балоғатга етгани тожик эпосида Гўрўғлининг Авазга қуролларини бергани билан изоҳланади. Гўрўъли Авазни ворис сифатдиа тан олади ва унга бор алплик қуролларини беради.

Дар Аваз дод инъом,
Як қири ба пар(султон)
Чебан мармар найзан ложувар,
Чоринаи жанг, сипару алмосу султон." [3:61]

Ўзбек эпосида эса Гўрўғли унга Ғиротни бергани билан талқин этилади. Тожик эпосида қуролини ҳамда отини бериш, ўзбек эпосида эса мўъжизавий отини бериш Гўрўғлининг Авазни алп сифатида эътироф этганини англатади.

Тожик эпосида от билан бирга Авазнинг қурол-яроғига алоҳида эътибор берилади, бу қуролларнинг зеб-зийнатигача тафсилоти билан таърифланади. Ўзбек эпосида исфахон қиличининг ўткирлиги, катталиги қайд этилса-да, аммо қуролларнинг зеб зийнатига тўхталиб ўтирилмайди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, ўзбек эпосининг ядро қисми, алпнинг қуроли ҳақидаги тасаввурлар тожик эпосига нисбатан анча қадим тасаввурларга боғланишини билдиради. Шунингдек, тожик эпосида Аваз минган от "Ғирот" эмас, балки бир нечта номда – Қир, Зайналқир, Таллон, қизил, Рахша, Булқир, Гулибодом. Номи қандай бўлишидан қатъий назар, худди ўзбек эпоси каби от образи Аваз, Ҳасан, Шодмон каби Чамбулнинг ҳимоячиси, достонда "Отсиз Чамбул вайрон бўлади" деган қараш мавжуд [3:34].

Ўзбек эпосида эса Аваз бевосита Гўрўғлининг Ғиротини мингандагина у ҳақиқий алпга айланади. Бошқача айтганда, Ғиротсиз Авазнинг алплиги кўзга ташланмайди. Зотан, Ш. Турдимов таъкидлагандек, от – алпликнинг аосий мезонларидан биридир [7:240]. Агар от бўлмаса, Аваз "алп"лик қилолмайди, ўзининг "илоҳий миссиясини" бажара олмайди. Ўзбек эпосида алплар қанчалик куч-қудратга эга бўлсада, аммо Ғиротсиз улар кучдан, "ғайб кучлари" кўлловидан бебаҳра қолишади. Ўзбек эпосида от "халқимизнинг қадим мифологик тасаввурлари оламида ёзни олиб келувчи куёш маъбудасининг рамзи" саналади *[7:148].*

Ўзбек эпоси учун Ғирот эпик от, тожик эпосида эса от образи эпик от тушунчасига тўғри келмайди. Чунки у ягона номдаги от эмас. Отларнинг номи ҳар хил. Тўғри, Аваз асосан, Зайналқир оти билан жангга киради. Аммо Зайналқир Ғирот каби таъриф тавсифланмайди, эпосда Ғирот каби мифологик ва архаик чизгиларга эга эмас. Фақат тожик эпосида ҳам отлар араб отидан тарқалгани ва унинг учқурлигига урғу берилади.

Ўзбек версиясида Авазга нисбатан "эр йигит", "алп", "паҳлавон", "Чамбил эгаси", "қаҳрамон", "йўлбарс", "шер", "оч бўри", "қоплон" "сиртлон" каби эпитетлар ва ифодалар ишлатилади.

Худди шундай эпитетлера тожикча версияда ҳам мавжуд. В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовлар эпик қаҳрамонни бу каби ҳайвонларга қиёслаш тотемистик қарашларга бориб тақалишини таъкидлашади [4:305]. Бу хил таърифлар алпнинг жанговар куч-қудратини кўрсатиш учун қўлланади ва ўзида қадимги тотемистик тасаввурларни ташийди. Тотемистик тасаввурларда ҳайвонлар шу қабиланинг ё аждоди ёки ҳомийси сифатида тасвввур қилинган. Тотем ҳайвонлар улар учун куч-қудрат соҳиби бўлишган. Алпларнинг уларга қиёсланиши эса алпнинг шу илоҳий куч-қудрат соҳиби эканлигига ишора қилинади.

Аваз ҳам душмани билан яккама-якка кураш тушиб, ўз кучини намоён қилади. Яккама якка кураш борасида, алббата, нисбийлик бор. Тожик версиясида Авазнинг ботирлиги кўпроқ яккама-якка курашда намоён бўлса, ўзбек версиясида эса Аваз ҳам яккама якка кураш,ҳам оммавий жанг саҳналарида ўзининг қобилиятини намоён қилади.

"Аваз: Сиз бир аждаҳосиз, мен бўлсам шунқор..."

...Гўрўғлиман, мен аждаҳо, Авазни топширдим зинҳор,

...Йигитларнинг қаторида нориман,
Чамбилбелнинг мен номуси-ориман... [2:36]
...Аваз ўғлон кўрқоқ эмас, бўриди[р],
....Оч бўридай аралабди лашкарин,
Тўплаб бет-олдига қувиб кетади.
...Авазхон аждарҳо бир билак ўғлон,
Қўлига илинса силтаб ўтади.
...Бол Аваз танҳо бир ўзи,
Маст бўпти дарёдай тошиб.
...Якка-танҳо от қўйгани -
Асл ботир шерлик қилиб. [5:11]
...Девона қуш бўлди, Авазхон овчи. [3:130]

Худди шундай ҳолни биз тожик версиясида ҳам учратамиз:

Фарёд кард Аваз шери нар..." [3:130]
Сихкабоб кард у оҳун калон,
Якта оҳура гуштша хурд палавон**...** [3:120]

Ҳар иккала эпосда Аваз Гўрўғлининг тахт вориси. Чамбилни душманлардан, ғайри кучлардан ҳимоя қилувчи паҳлавон. Ҳар икки эпосда ҳам Авазнинг қайсарлиги, ўжарлиги, ботирлиги, ошиқлик йўлидаги интилиши, душманларга муросаасизлиги бир хил бўёқларда тасвирланади.

Ҳар икки халқ эпосида ҳам Аваз худди Гўрўғли каби ҳеч қачон мағлубиятни билмайди. Тўғри, баъзи бир жангларда вақтинча мағлуб бўлади ёки асир олинади, аммо охир-оқибат эпик қаҳрамонга хос тарзда мақсадига эришади.

Тожик эпосида ҳам. Ўзбек эпосида ҳам Аваз рақибига биринчи бўлиб ўз кучини синаб кўришга имкон беради.

Тожик эпосида Аваз паҳлавон лақабли Зарина билан курашганда ҳам, Суғдча ёки бошқа паҳлавонлар, девлар билан курашганда ҳам биринчи бўлиб уриш навбатини рақибига таклиф қилади. Худди шунингдек, ўзбек эпосида ҳам худди шундай бўлади. "Балогардон" достонида Мақотил билан якккама якка жангда Аваз танаси булутга тенг Мақотилга биринчи уриш навбатини беради. Мақотил уч марта ургач, уни ўзи уриб, иккинчи уришда фили билан қўшиб бўлиб ташлайди.

Айнан рақибга биринчи бўлиб уриш навбатини бериш эпик алпнинг хусусиятларидан бири бўлиб, ... бу ҳолат унга нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни пайдо қилади. Хусусан, халқнинг мардлик, куч-қудрат ҳақидаги тасаввурларига эстетик таъсир қилади.

Адабиётлар

1. Авазхон. Достон. Айтувчи: Раҳматулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчи Тўра Мирзаев. – Тошкент: "Ёзувчи",1997. –Б.6. Гуругли. Таджикский эпос. – М.: Главная редкция восточный литературы. 1987. – С. 61.
2. Гулихиромон. Достон. Айтувчи Ислом Назар ўғли. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968. 13-б.
3. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героичиский эпос. –М.:ОГИЗ. Политиздат, 1947. –С. 305.
4. Маликаи айёр. Достон. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988.
5. Мирзаев Т. Народная поэзия Узбекистана //Узбекская народноя поэзия. – Л.: Советский писатель, 1990. - С. 5-32.
6. Турдимов Ш. "Гўрўғли"достони генезиси ва тадрижий босқичлари. –Тошкент: «Фан»: 2011. 240-б.

7. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: «Наука», 1969. – С.92–96.
8. Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. –Тошкент: «O'zbekiston», 2016. 148-б.
9. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. - Ташкент: "Фан", 1974. –С.268–269.
10. Эшонкул Ж. "Алпомиш" достони ва "Дада Қўркут китоби"даги тутқунлик мотивининг қиёсий таҳлили // Миф ва бадиий тафаккур. – Тошкент: «Фан", 2019. 61–71-б.

РЕЗЮМЕ

Бадиий образ ҳар бир матнда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бизнинг кунимизгача жонли ижро ҳолатида етиб келган достонларнинг турли вариант ва версияларида биргина образ турлича гавдалантирилади. Бунда албатта, бахши тарбия топган эпик анъана билан бир қаторда шу халқгагина мансуб бўлган мифологик тасаввурлар, урф-одат, қадрият ва тушунчалар ўз ифодасини топади. Аваз "Гўрўғли" туркум достонларида Гўрўғлидан кейин турувчи энг асосий қаҳрамонлардан бири ҳисобланади. Биз таҳлилга тортган достондаги ўзбек ва тожик версияларида Аваз образининг ўхшаш жиҳатлари билан бир қаторда фарқли хусусиятлари ҳам кўриниб туради. Биз ўз мақоламизда "Гўрўғли" достонининг ўзбек ва тожик версияларидаги Аваз образини қиёсий тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

РЕЗЮМЕ

Художественный образ проявляется в каждом тексте своеобразно. В разных версиях и вариациях дастанов, сохранившихся до наших дней, именно этот образ описывается по-разному. Это, конечно, отражает не только эпическую традицию воспитания, но и мифологические идеи, обычаи, ценности и концепции, принадлежащие только этой нации. Аваз - один из главных героев после Гороглы из серии дастанов "Гороглы". Узбекская и таджикская версии проанализированного нами дастана показывают не только сходства, но и различия черт образа Аваза. В нашей статье нами были сделаны сравнительные исследования образа Аваза в узбекской и таджикской версиях дастана «Гороглы».

SUMMARY

The artistic image appears in each text in a unique way. In different versions and variations of dastans that have survived to the present day, a single image is described in different ways. This, of course, reflects not only the epic tradition of upbringing, but also mythological ideas, customs, values and concepts that belong only to this nation. Avaz is one of the main heroes in the dastan «Gorogly» after Gorogly. The Uzbek and Tajik versions of the dastan we analyzed and showed similarities as well as different features of the image of Avaz. In our article, we have tried to make a comparative study of the image of Avaz in the Uzbek and Tajik versions of dastan "Gorogly".

«ҚОБЛАН» ДӘСТАНЫНДА ЭПИКАЛЫҚ САНЛАР СИСТЕМАСЫ

К.С.Палымбетов – *филология илимлериниң кандидаты, доцент*
Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў хызметкерлерин қайта таярлаў ҳәм олардың қәнигелигин арттырыў аймақлық орайы

Таянч сўзлар: эпос, композиция, ижрочилик маҳорати, бадиий тасвир воситалари, эпик сонлар.
Ключевые слова: эпос, композиция, мастерство исполнения, художественные средства, эпические числа.
Key words: epic, composition, mastery of performance, artistic means, epic numbers.

Қарақалпақ халқының «Қоблан» дәстаны композициялық дүзилиси, сюжетлик мазмуны ҳәм образларының жасалыўы менен айырылып турады.

Биз бул мақалада «Қоблан» дәстанының композициясында эпикалық санлардың қолланылыў өзгешелиги ҳаққында сөз етпекшимиз. Дәстанның сюжетлик мазмуны, идеялық ҳәм көркем эстетикалық функциясының артыўында санлар айрықша орын тутады. Олар жыраўлардың импровизаторлық талантында сүўретленип атырған ўақыяның ҳақыйқый реаль, халық турмысына жақынлығын тәмийинлеўде, екинши тәрептен, көркемликти ҳәм эстетикалық тәсиршеңликти арттырыўда хызмет етеди. Санлар муғдарды, көлемди, аралықты, өлшемди, ўақытты, жасты т.б. көрсетиўде жийи қолланылып, қайта-қайта тәкирарланыўы арқалы, дәстанның идеялық мазмунын ҳәм поэтикалық көркемлигин ашыўға бағындырылады. Мысалы, Қартхожа бийдиң сораўына шопанлар, Қыдырбайдың малының санын «Мал есабын сорасаң, Төрт мың тоқсан қойы бар» деген жуўапты айтады. Бунда көркемлеўдиң аллитерация усылы пайдаланылған ҳәм усы сүўретлеў қуралы арқалы пикирдиң көркемлик жақтан тәсиршеңлиги арттырылған. Егер, усы жерде басқа сан қолланылғанда тексттиң эстетикалық тәсир күши төменлеген болар еди. Дәстанда төрт саны көбирек көшпели халықлардың шарўашылық турмысын сүўретлеўге байланыслы, қолланылады, мысалы, «Төрт түлик мал», «Көп жылқының ишинде, **Төрт бедеўи** бар еди, **Төртинен беске** жасаған» деген қатарлар патриархаллықфеодаллық дәўирдеги қәўим баслығының байлығын көрсетиўде қолланылып, персонаждың социаллық турмысы ҳаққында мағлыўмат береди. Ал, «Төрт мың үйли Дәрменнен, Буннан да шықты төрт ат», «Шубардан шығып төрт ат» деген қатарлар санды билдириўге қолланылған.

Дәстанның композициясында санлар мазмунның ашылыўына хызмет етеди ҳәм қәлеген сюжетти мотивти, эпизодты, детальды сүўретлеўде санлар қатнасады. Санларсыз ўақыя мазмунына анықлық киргизилмейди. Сонлықтан, мазмунның толық ашылыўы санға ғәрезли болады. Мысалы, Есемурат жыраў вариантында Ақшаханға Қобланды өлтириўде мәсләҳәт берген Картхожа бий болады. Ол **қырық мың** ләшкер қол барса, қырғын болатуғынын, сонлықтан, **қырық күн той** бериўин, тойда ат шабыс жәриялаўын мәсләҳәт етеди [1:53]. Карам жыраў вариантында Полат Ақшаханға ат шабысқа қосылатуғын Ақша атты **Қырық күн** жердиң астында, Қырық күн жердиң үстинде бағыўын мәсләҳәт етеди [2:425]. Ақшахан ат шабыстың байрағына **қырық ғашыр зер** қояды. Қоблан **қырық жигитине ат шабар** бала излеўди тапсырады. Олар тапқан ат шабар бала **қырық қулаш арқан** менен аяқ, қолын таңып, атқа байлаўды тапсырады. Бул жерде қырық саны сыйқырлы, магиялық сан есапланады [3:28]. Бирақ, ханның қырық мың ләшкериниң болыўы да, қырық күнлик той бериўи де, атты қырық күн бағыўы да, қырық ғашыр зер байрақ жәриялаўы да мүмкин, өйткени Ақшахан Самарқанд сайқалының ханы, ал Қобланның қасында Қыпшақтың қырық жигитиниң болыўы тәбийий, себеби, Қоблан Қарақыпшақ қәўими Қорғаншаның батыры, ал, ат шабар баланың қорқып, өзин қырық қулаш арқан менен атқа таңыўды айтыўы да реалистлик сүўретлеў, усы кишкене сюжетлик деталлар ўақыя мазмунының ашылыўына анықлық киргизеди. Лекин, усы сюжеттиң өзинде бес рет қырық саны тәкирарланғаны менен, бир қыйлы предметке емес, ал, бес түрли предметке (қырық мың ләшкер, қырық күн той, қырық күн бағыў, қырық ғашыр зер, қырық жигит, қырық қулаш арқан) байланыслы қолланылып, идеяның ашылыўына, қаҳарман ҳәм персонажлардың ой-пикирине анықлық бериўде хызмет етип тур. Бул жерде 40 саны көплик мәнисин аңлатып тур. Сонлықтан, профессор М.Жўраев 40 саны бойынша изертлеўлер жүргизген илимпазлардың пикирлерин жуўмақластырып: «Дәслеп жәмлик, уллылық, көплик, улыўмалық, мәнилерин аңлатқан 40 саны соңынан түрли ибара ҳәм түсиниклер қурамына сиңип кетип, бара-бара көпликти аңлатыўшы муғдарлық бирликке айналып қалған»[3:180], -деген жуўмаққа келеди. Ханның тойындағы ат шабысқа **бир кем тоқсан** ат шығады. Оларды **он сегиз** дийўан хатлап алады, Барлық атлар ҳаққында мағлыўмат берилип отырмастан, жети қәўимниң (көкленнен, көллиден, жалайырдан, үйсиннен, найманнан шубардан дәрменнен) атлары келтирилип, олардан қатнасыўшы, жәми **отыз үш** аттың саны айтылады. Бул жерде сыйқырлы санлар еки түрли көринисте қолланылған. Мысалы, 90, 18, 33 санлары сыйқырлы санлар (9,3) тийкарында пайда болып турған жаңа санлар сыпатында көринис берген.